Emro Science and Education
International open-access scientific journal
Journal homepage: https://journal.emro.uz

OPEN ACCESS

CONFERENCE PAPER OPEN ACCESS

Vol. 2 No. 1 (2025) · “Raqamli iqtisodiyot sharoitida hududlarni ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish va yuqori i... DOI: 10.5281/zenodo.24317965

1. Вахрин А.В., Лапин А.Н. (2019). Оценка налогового потенциала регионов: методы и подходы. *Финансовый журнал*, 8(2), 45-58.
2. Cléroux, M. (2020). Digitalization in Tax Assessment: Opportunities and Challenges. *Journal of Public Economics*, 98(3), 102-120.
3. Bird, R.M., & Zolt, E.M. (2019). Technology and Taxation in Developing Economies: From Hand to Mouse. *World Tax Journal*, 11(1), 50-78.
4. Gemmell, N., & Morrissey, O. (2020). Improving Tax Administration in Developing Countries. *International Journal of Public Administration*, 43(5), 392-404.
5. Qiu, W., Zhao, X., & Zhang, Y. (2021). Enhancing Taxpayer Compliance Through Trust and Transparency. *International Tax and Public Finance*, 28(2), 257-280.
6. Rossati, C., & Pugliese, L. (2019). Regional Development and Tax Revenues: A Pathway to Sustainable Growth. *Economic Development Quarterly*, 33(4), 389-400.
7. Stiglitz, J.E. (2015). The Role of Taxes in Promoting Equity and Growth. *Journal of Economic Perspectives*, 29(1), 145-162.

ҲУДУДНИНГ СОЛИҚ ПОТЕНЦИАЛИНИ БАҲОЛАШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАРИ: МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ МУСТАҚИЛЛИГИ ВА БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ ОМИЛИ СИФАТИДА

Мамажонов Лазизбек Азамжонович
Андижон давлат техника институти
катта ўқитувчиси
Mamajonovlazibek1981@gmail.com

Аннотация: Мақолада маҳаллий бюджетларнинг молиявий мустақиллигини таъминлашда ҳудуднинг солиқ потенциалини баҳолашнинг аҳамияти ва методлари кўриб чиқилган. Солиқ потенциали тушунчаси ва уни баҳолашдаги замонавий методлар таҳлил қилинган. Ушбу методлар ҳудудий бюджет даромадларини аниқ прогнозлашиш ва солиқ сиёсатини самарали шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга. Мақола, солиқ потенциалини баҳолашда янги таҳлил усулларини қўллашнинг зарурлигини таъкидлайди.

Калит сўзлар: солиқ потенциали, маҳаллий бюджетлар, солиқ тушумлари, солиқ базаси, солиқ ставкаси.

Кириш:

Published: 24.05.2025

Cite this article: Мамажонов Лазизбек Азамжонович (2025). Ҳудуднинг солиқ потенциалини баҳолашнинг замонавий ёндашувлари: маҳаллий бюджетларнинг молиявий мустақиллиги ва барқарор иқтисодий ривожланиш омили сифатида. Emro Science and Education, 2(1). https://doi.org/10.5281/zenodo.24317965

© 2025 The Author(s). Published by Emro Science and Education. This is an open access article.

Бугунги глобаллашув ва рақобат кучайиб бораётган шароитда давлатнинг иқтисодий барқарорлигини таъминлашда маҳаллий бюджетларнинг молиявий мустақиллиги муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу нуқтаи назардан, ҳудудларнинг солиқ потенциалини аниқ ва холис баҳолаш, ушбу ресурсдан самарали фойдаланиш стратегиясини ишлаб чиқиш давлат молия сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Солиқ потенциали – бу ҳудудда мавжуд иқтисодий ресурслардан фойдаланиш орқали бюджетга ундириш мумкин бўлган максимал солиқ тушумларининг миқдоридир. Ушбу тушунча нафақат солиқ тушумларини прогнозлаш, балки ҳудудий солиқ сиёсатини режалаштиришда, тенг молиявий тақсимотни таъминлашда ҳам муҳим роль ўйнайди. Аммо амалдаги баҳолаш усуллари кўпинча умумлаштирилган кўрсаткичларга асосланади ва реал иқтисодий имкониятларни тўлиқ акс эттирмаслиги мумкин.

Шунинг учун, ҳудуднинг солиқ потенциалини баҳолашда замонавий статистик ва иқтисодий моделлардан, рақамли технологиялардан ҳамда тармоқлар кесимидаги таҳлиллардан фойдаланиш зарурати тобора ортиб бормоқда.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Ҳудуднинг солиқ потенциалини самарали баҳолаш методи орқали бюджетга солиқ тушумларини аниқ прогноз қилиш имконияти пайдо бўлади, бу эса солиқли даромадлар базасининг миқдорини кўрсатадиган муҳим кўрсаткичдир. Шу билан бирга, бу усул турли даражадаги бюджетлар даромадини шакллантириш ва солиқ сиёсатини юритишда асосий ўрин тутади.

Мамлакатнинг солиқ потенциали макроиқтисодий категорияларга мансуб бўлиб, унинг даражаси ва тўлиқ амалга оширилиши ҳудуднинг ижтимоий фаравонлик даражаси ва сифатига боғлиқдир. Шу сабабли, солиқ потенциалини баҳолашнинг умумий ёндашувлари асосида самарали методни ишлаб чиқиш ва солиқ потенциалига таъсир этувчи омиллар таркибини аниқлаш долзарб ва муҳим масала ҳисобланади[1].

Горскийнинг таъкидлашича, солиқ потенциали тушунчаси мамлакатнинг солиқ тизимидаги солиқ ва мажбурий тўловлар тушумларининг юқори даражасини кўрсатади[2].

Pessino ва Fenochiettolар томонидан солиқ потенциалини, мамлакатнинг иқтисодий, ижтимоий, институционал ва демографик жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда, ундирилиш мумкин бўлган солиқ тушумлари ҳажмини ифодаловчи тушунча сифатида белгилаб ўтилган[3].

Евстафьева таъкидлашича, ҳудуднинг солиқ потенциалини баҳолаш турли ёндашувлар ва таъсир этувчи омилларни ҳисобга олган ҳолда амалга ошириладиган жараён бўлиб, уни ошириш солиқ тушумларининг барқарорлиги ва доимийлигини таъминлашга қаратилган[4].

Шогенов фикрича, ҳудуднинг солиқ потенциалини мавжуд солиқ қонун ҳужжатлари асосида белгиланган муддатларда амалдаги солиқ ва мажбурий тўловларни бюджетга максимал даражада ундириш миқдори ташкил этади[5]. Gaspar ва бошқалар солиқ потенциалини молия йили давомида мамлакат ҳудудларидан ягона солиқ солиш шартлари асосида маҳаллий ҳокимият органлари томонидан ундирилган аҳоли жон бошига тўғри келадиган солиқлар сифатида таърифлайдилар[6]. Brun ва бошқалар солиқ потенциали категориясини белгиланган хусусиятларга эга бўлган вақтда олиниши мумкин бўлган мамлакат бюджетига асосли солиқ тушумларининг максимал миқдорини шакллантиришни назарда тутади[7].

Маҳаллий бюджет даромадларини шакллантириш ва солиқ тушумларини прогнозлаштиришда солиқ потенциалини самарали баҳолаш масалалари устувор аҳамиятга эга. Бу борадаги энг кенг тарқалган таснифлардан бири, ҳудуднинг солиқ потенциалини бевосита ва билвосита баҳолаш методларини ажратишдир. Бевосита методлар ҳудуддаги солиқ тушумларининг шаклланиш кўрсаткичларига, билвосита методлар эса ҳудуднинг иқтисодий фаоллик кўрсаткичларига асосланиб қўлланилади.

Ҳудуднинг иқтисодий фаоллиги кўрсаткичларига асосланган методлар билвоситадир, чунки улар солиқ потенциалини муайян бир кўрсаткичнинг натижаси сифатида аниқлашга қаратилган. Масалан, ялпи ҳудудий маҳсулот асосида солиқ потенциалини баҳолаш методи ахборот хавфсизлигининг ривожланиши билан солиқ компонентининг ҳудуднинг иқтисодий параметрларига таъсирини аниқлашда фойдаланилиши мумкин.

Ҳудуднинг солиқ потенциалини солиқ тушумларини шакллантириш кўрсаткичлари асосида баҳолаш методлари эса бевосита ҳисобланади, чунки улар солиқ потенциалини аниқлашда унинг амалга оширилишини тавсифловчи кўрсаткичларни ўз ичига олади. Бу методлар солиқ органларининг оператив фаолиятида кенг ишлатилади ва солиқ тизимининг самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Тадқиқот методологияси

Мақолада ҳудуднинг солиқ потенциалини баҳолаш методлари ва таъсир этувчи омиллар бўйича адабиётлар шарҳи берилган. Тадқиқот ишида илмий

абстракциялаш, анализ ва синтез, индукция ва дедукция, қиёсий таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар

Аксарият иқтисодчи олимлар фикрича, Америка Қўшма Штатларининг "Бюджетлараро муносабатлар бўйича эксперт комиссияси" тавсия қилган репрезентатив солиқ тизими методи ҳудуднинг солиқ потенциалини баҳолашдаги асосий методлардан бири ҳисобланади. Бу метод солиқ базаларига ўртача солиқ ставкаларини қўллаш орқали, бюджетга тушиши мумкин бўлган солиқ суммасига асосланган солиқ потенциалини аниқлашга ёрдам беради. Ушбу методни самарали татбиқ қилиш учун, барча ҳудудлар бўйича солиқ солиш базаларига оид маълумотлардан фойдаланиб, солиқ тўловчилар ҳақидаги тўлиқ маълумотлар базасини яратиш талаб қилинади.

Бугунги кунда назарий-илмий иқтисодий адабиётларда ҳудуднинг солиқ потенциалини баҳолашда турлича ёндашувлар ва кўрсаткичлар асосидаги методлар мавжуд. Мамлакаларни таққослашда, ҳар қандай метод орқали аниқланган солиқ потенциалини талқин қилишда эҳтиёткорлик билан ёндашиш лозим, чунки ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий, сиёсий ва институционал хусусиятлари индивидуал бўлиб, уларни умумлаштиришда хатоликлар юзага келиши мумкин. Умуман олганда, иқтисодчи олимлар томонидан ҳудуднинг солиқ потенциалини баҳолаш методларининг турли таснифлари мавжуд ва улар қуйидаги асосий методлар билан тавсифланган:

1. репрезентатив солиқ тизими;
2. регрессия моделлари;
3. Калман филтри ёрдамида симуляциялар;
4. стохастик чегарани баҳолаш методи.

Репрезентатив солиқ тизими методи ҳудуднинг солиқ потенциалини баҳолашдаги классик усуллардан бири ҳисобланади. Бу метод солиқ потенциалини ҳисоблашда солиқ базаларига ўртача солиқ ставкаларини қўллаш асосида амалга оширилади. Репрезентатив солиқ тизими, асосан, ҳудуддаги солиқ солиш манбаларининг мавжудлиги ва улардан олинган тушумлар асосида, солиқнинг максимал даражадаги ундирилишини аниқлашга ёрдам беради.

Ушбу методда белгиланган солиқ ставкаларига асосланган ҳолда солиқ базасидан қанча солиқ тушиши мумкинлигини ҳисоблайди. Бу, ўз навбатида, солиқ тизимининг самарадорлигини баҳолаш ва солиқ стратегияларини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Репрезентатив солиқ тизими методининг муҳим жиҳати шундаки, у маҳаллий бюджетлар учун солиқ солиш манбаларини аниқлаш ва солиқ сиёсатини ўрнатишда асосий кўрсаткич бўлиб хизмат қилади. Шу билан бирга, бу методни амалга оширишда барча ҳудудлар бўйича солиқ солиш базаларига оид тўлиқ маълумотлар тизими ва уларнинг таҳлили керак.

Бу методнинг асосий афзаллиги у солиқ потенциалини аниқлашда фақат солиқ ставкаларини эмас, балки уларнинг амалга оширилиш даражасини ҳам ҳисобга олади, шунинг учун солиқ тушумларининг прогнозини аниқлашда самарали бўлади.

Солиқ потенциалини баҳолашда регрессия моделлари методи — бу статистик ва иқтисодий таҳлил усули бўлиб, у бир ёки бир нечта мустақил ўзгарувчиларнинг (масалан, иқтисодий, ижтимоий ёки сиёсий омиллар) солиқ тушумларига (зависим ўзгарувчи) қандай таъсир қилишига назар ташлашга ёрдам беради. Регрессия модели орқали солиқ потенциалини баҳолашда, турли иқтисодий омиллар ва солиқ тизими ўртасидаги алоқалар аниқланади. Бу методни қўллаш солиқ тизими ва фискал стратегияларни ишлаб чиқишда муҳим қарорларни қабул қилишда ёрдам беради.

Регрессия моделлари ўзгарувчилар ўртасидаги алоқа ва муносабатларни таҳлил қилишга асосланган. Бу модел орқали бир ёки бир нечта мустақил ўзгарувчи (фактор) ва уларнинг натижаси (солиқ тушумлари ёки солиқ потенциали) ўртасидаги муносабат аниқланади. Қандайдир бир ўзгарувчининг (масалан, ишлаб чиқариш ҳажми ёки аҳоли даромадлари) солиқ тушумларига қандай таъсир кўрсатаётганини тушуниш учун регрессия модели ишлатилади.

Солиқ потенциалини баҳолашда, кўпинча иқтисодий кўрсаткичлар, солиқ даромадлари ва бошқа омиллар бўйича маълумотлар олинган маълумотлардан фойдаланилади. Бу маълумотлар таҳлилга асосланганда, уларда турли хатоликлар ва шубҳали ҳолатлар бўлиши мумкин. Калман фильтри, ҳар бир қадамда янгиланган маълумотларни таҳлил қилиш ва хатоликларни минималлаштиришга ёрдам беради.

Ҳудуднинг солиқ потенциалини баҳолашда статистик моделлаштириш методларига frontier-методи ёки стохастик чегарани баҳолашни кўрсатиш мумкин. Ҳудуднинг солиқ потенциалини баҳолашни мавжуд методларига солиштирилиб кўрилганда, ушбу методда солиқ потенциалини солиқ тушуларининг ўртача қиймати (математик кутиши) сифатида қабул қилиниши, ўз навбатида, солиқ потенциалини солиқ йиғимларининг максимал қиймати сифатида баҳолаш имконини юзага келтиради.

Хулоса ва таклифлар

Қайд қилиб ўтилган ҳудуднинг солиқ потенциалини баҳолаш методларида яширин иқтисодиётдаги даромадларни аниқлашдаги кўрсаткичларни қўлланиши ҳисобга олинмаган, яъни ҳудуднинг солиқ потенциалини баҳолаш методларида амалдаги солиқ қонунчилиги асосида аниқланган максимал солиқ даромадлари аниқланади. Тадқиқотчилар ҳар доим ҳам солиқ потенциалини баҳолашнинг фақат битта гуруҳидан фойдаланишга амал қилмайди, шу сабабдан турли иқтисодчи олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотларни ўрганиб чиқилган ҳолда ҳудуднинг солиқ потенциалини баҳолашнинг самарали методини ишлаб чиқишда аналитик ва статистик моделларни бир вақтда қуриш лозим деган хулосага келишимизга имкон беради.

Бир қатор иқтисодчи олимларнинг илмий тадқиқотларида солиқ потенциалининг ҳозирги даражаси ва унинг таркиби, шунингдек, солиқ тўловчиларнинг рўйхатга олинган жойлари ва ҳақиқий фаолияти ўртасидаги тафовут ўртасидаги боғлиқлик аниқланади. Бу хусусиятлар бир қатор иқтисодчи олимларнинг ҳудуднинг солиқ потенциалини баҳолаш методиларида ўз ифодасини топган.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда шуни таъкидлаш жоизки, ҳудуднинг солиқ потенциалини баҳолаш бўйича мавжуд методлардан алоҳида бир методни ажратган ҳолда кўрсатиб ўтиш мумкин эмас. Ҳудуднинг солиқ потенциалининг шаклланиши ва ривожланиши ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, демографик ва экологик омиллар мажмуасининг таъсирлари билан бевосита ва билвосита боғлиқдир. Тизимли ёндашувнинг асосини таҳлил ва синтез ташкил этиб, буларни қўллашнинг мақсадга мувофиқлиги солиқ потенциали тизимли категория эканлиги билан изоҳланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Белогорская А.Н. Налоговый потенциал региона и методы его оценки. https://www.elibrary.ru.
2. Горский Н.В. Налоговый потенциал в механизме межбюджетных отношений. Финансы. 1999. №6. С.27-30.
3. Pessino, C., & Fenochietto R. 2010. "Determining countries’ tax effort," Hacienda Pública Española / Review of Public Economics, IEF, vol. 195(4), pages 65-87.
4. Евстафьева А.Х. Оценка налогового потенциала Республики Татарстан. http://www.vestnykeps.ru/0410/3.pdf.
5. Шогенов А. А. Методические аспекты расчета налогового потенциала региона. https://www.elibrary.ru.

6. Gaspar V., Jaramillo L., & Wingender M. P. 2016. Tax Capacity and Growth: Is there a Tipping Point? International Monetary Fund.
7. Brun J.F., Diakite M. 2016. “Tax Potential and Tax Effort: An Empirical Estimation for Non-resource Tax Revenue and VAT’s Revenue”, Études et Documents,n 10, CERDI. https://halshs.archives-ouvertes.fr/halshs-01332053/document.
8. Langford B. and Ohlenburg T. 2016. “Tax revenue potential and eort - an empirical investigation”, Working Paper International Growth Centre, Version.
9. Шабашев, В.А., Маликайдаров, Т.Т. 2015. Понятие налогового потенциала региона и проблемы его развития. https://www.elibrary.ru/download/elibrary.
10. Власова Е.В. Налоговый потенциал как объективная экономическая категория // Век тор науки ТГУ. Сер. «Экономика и управление». 2012. № 1(8). С. 12-16.
11. Игонина Л.Л., Кусраева Д.Э. Налоговый потенциал региона: эффективность реализации и факторы роста: монография. Краснодар: «Атри». 2010.-С.164.
12. Рощупкина В.В. Логическая структура налогового потенциала региона //Региональная экономика: теория и практика. №2 (137). 2010.-С.43-48.
13. Миронов А.А. Налоговый потенциал, его роль и место в системе налоговых отношений // Экономические науки. 2011. № 1(74). С. 316-320.
14. Синельников-Мурылев С., Кадочников П., Идрисов Г. 2011. Налог на прибыль предприятий: анализ реформы 2001 г. и моделирование налогового потенциала регионов. https://elibrary.ru.
15. Islyamutdinov, S. I. 2007. Taxable capacity of a territory: Methodological aspects of formation and use:Dissertation.Nalogovyi potentsial territorii: Metodologicheskie aspect formirovaniya iispol’zovaniya: dis… kand. ekonom. Nauk. Samara.
16. Горшкова Н.В., Шаманин В.И 2016. Методические подходы к оценке налогового потенциала региона на примере волгоградской и ростовской областей https://elibrary.ru/download/elibrary_26471238_79705178.pdf.
17. Попова Г. 2014. Классификация формализованнқх методов оценка налогового потенциала. Экономический анализ: теория и практика. https://www.elibrary.ru.
18. Sobarzo H. Tax effort and tax potential of state governments in Mexico: A representative tax system // IMF Working Paper, 2004.

ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИҒИНИ УНДИРИШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Турабоев Камбарали Кодирович
ТДИУ Андижон факультети